

Суд орқали фуқароларнинг шахсий-номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Маълумки, тоталитар тузум шароитида фуқаронинг муаммолари ва ташвишлари маъмурий-буйруқбозлик тизимининг эътиборидан четда қолиб келган эди. Ўша давр шароитида шахснинг номоддий ҳуқуқлари, шаъни ва кадр - қимматининг ҳимояси ҳам ҳамин қадар эди.

Эндиликда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этилаётган мустақил Ўзбекистонда умуминсоний кадриятлар ва шахс ҳуқуқи устунликка эгадир. Аслида қонунларнинг сифати, шахснинг жамиятда тутган ҳуқуқий ҳолати, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар давлатнинг фуқаролар шахсий ҳаётига аралашув чегараси билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан судсиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” дейилади.¹

Ҳуқуқий давлат куришда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий тафаккури муҳим омиллардан саналади. Агар фуқаролар қонунларни пухта билсалар, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлсалар ва уларга сўзсиз риоя қилсалар, жамият янада тараққийлашади ва юксак мақсадларга эришилади, демакки бирон-бир фуқаро жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан зарар етиши мумкин бўлган ҳаракатларга қўл урмайди.

Ҳуқуқий демократик давлатда шахснинг барча ҳуқуқлари, шу жумладан унинг номулкий ҳуқуқлари ҳам қонун билан қўриқланади ва фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати камситишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) натижасида маънавий зарар етказганлик учун жавобгарлик белгиланади. Ўз навбатида, маънавий зарарни қоплаш институти фуқароларнинг мулкӣ бўлмаган шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали усули тариқасида ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этиб, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқ соҳасида маънавий зарарни ундириш нисбатан янги институт ҳисобланганлиги боис, қолаверса фуқароларнинг маънавий зарарни ундиришга доир қонунчиликларни билмасликлари натижасида етказилган маънавий зарар учун тўлов ундиришни талаб қилмаслик ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Шунингдек, судларимиз ҳам айрим ҳолларда маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ ишларни иккинчи даражали иш сифатида қараб, кўп вазиятларда эътиборсизлик билан қараш ҳолатлари кузатилади. Шу муносабат билан маънавий зарарни қошлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиётини ўрганиш натажаларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми маънавий зарар етказиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг турлилиги, уларни кучга кириш муддатларининг ҳар хиллиги, шунингдек Фуқаролик кодекси қабул қилиниши билан тушунтиришлар бериш

* ТДЮИ 1-курс магистри

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2003.

талаб қилинадиган муаммолар келиб чиққанлигини қайд этган ҳолда 28 апрел 2000 йилда “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарорини қабул қилди.²

Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнида келиб чиққан низоларни тўғри ва ўз вақтида ҳал этиш учун судлар ҳар бир иш бўйича қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари кераклиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Улар:

- а) иш бўйича тарафларнинг ўзаро муносабатларининг характерини;
- б) тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатга маънавий зарарни қоплаш бўйича қонунни қўллашга йўл қўйилиши мумкинлигини;
- в) агарда қонунда бундай жавобгарлик белгиланган бўлса, маънавий зарарни қоплаш тартиби ва шартларини назарда тутган қонуннинг қачон кучга кирганлигини;
- г) маънавий зарарни келтириб чиқарган ҳаракатлар қачон содир бўлганлигини текшириш ва муҳокама қилиб баҳо бериш лозимлигини;
- д) жабрланувчига жисмоний ва маънавий азоблар етказилгани факти нима билан тасдиқланишини;
- е) маънавий зарар шахсга қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан етказилганлигини;
- ж) зарар етказувчининг айбилик даражасини;
- з) жабрланувчи қандай маънавий ва жисмоний азоблар тортганини;
- к) маънавий зарарни қоплашнинг қандай миқдорда баҳолаш ва низони ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларга эътибор бериш лозимлигини.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра, маънавий зарар етказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи шартлардан бири сифатида зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Шунинг билан бир қаторда зарар етказувчининг айбидан қатъи назар қуйидаги ҳолатларда, яъни:

- а) зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;
- б) зарар фуқарога уни қонунга ҳилоф тарзда ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга ҳилоф равишда қўллаш, маъмурий жазо қўллаш ва қонунга ҳилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилгант бўлса;
- в) зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса зарар албатта қопланиши шартлиги кўрсатиб ўтилади.

Агар рухий зарар шахсга маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ қонун ҳужжати кучга киргунга қадар етказилган бўлса, даъвогар эса бундай қонуннинг кучга киргандан кейин ҳам рухий азоб чекаётганлигини асос қилиб даъво

² **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2000 йил 28 апрелдаги Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. –Т.: 2000 й.

талаби билан судга мурожаат қилган ҳолларда унинг талаблари қондирилмаслиги кераклиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришлар бериб, бу ўз навбатида зарар етказилган вақтда жавобгарликнинг ушбу тури қонунда белгиланмаганлиги ҳамда умумий қоидага кўра содир қилинган вақтда амалда бўлган қонунда белгиланган ҳуқуққа хилоф ҳара-катга нисбатан жавобгарликни кучайтирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмаслиги билан изоҳланади.³

Суд томонидан маънавий зарарни ундириш жараёнида маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар билан бир қаторда жабрланувчининг шахсий хусусиятларини эътиборга олишлари лозимлиги қонунчиликда ўз ифодасини топган.⁴

Шу ўринда ҳақиқий ҳолат деганда, асосан руҳий зарар етказилган фактик ҳолатлар тушунилади. Жумладан, жабрланувчига зарар тор доирадаги суҳбатларда, илмий анжуманларда шунингдек, оммамий ахборот воситалари орқали етказилиши мумкин.

Маънавий зарарни ундириш жараёнида жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ва шу орқали жамиятда тутган ўрни ҳам алоҳида эътиборга олиниши лозим. Гарчи, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлсаларда, жамиятда уларга турлича баҳо берилади. Масалан, яхши мутахасис ёки яхши ходим сифатида, яхши оила бошлиғи ёхуд етук давлат арбоби сифатида уларга жамият аъзоларининг ўзлари баҳо берадилар ва жамиятда шахслар ўз шахсий хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Шу туфайли уларга нисбатан бир хил миқдордаги маънавий зарарни ундириш мажбуриятини судларга юклаш тўғри бўлмайди. Жумладан, депутат округидаги сайловчилар томонидан сайлангани, уларнинг ишончини қозонгани, омма олдидаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби эканлигидан келиб чиқиб, унга етказилган маънавий зарарнинг ҳажмини белгилашда оддий ходимга етказилган руҳий зарар миқдорига тенглаштириб белгилаш мақсадга мувофиқ эмас. Дарҳақиқат, инсоннинг руҳий азобланиши даражаси бевосита унинг шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат, “шахс” тушунчасида инсоннинг ижтимоий муносабатдаги иштироки, унинг жамиятда тутган ўрни яширинган. Шу ўринда субъектнинг маънавий азобланиши манбаи сифатида унинг жамиятда тутган ижтимоий мақоми, шаъни ва қадр-қиммати, ички туйғулари ва ишончига тажоввуз қилиниши эътироф этилади.

Албатта, юқоридагиларни барчаси, сўзсиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатлаб қўйилган инсон ҳуқуқи ва эркинликлари билан боғлиқ ҳисобланади. Шахснинг эркинлиги, дунёқараши, қадриятининг дахлсизлигига қилинган суиқасд унинг жамиятда шахс сифатида маънавий (руҳий) қийналишига, ўзлигини йўқотишга мажбур қиладди. Масалан, ўз динига, эътиқодига кучли сиғинган шахсни мажбурий равишда жамиятдан ажратиб олган ҳолда унинг диний эътиқодига қарши бўлган ҳаракатларни қилишга мажбурлаш, хис-туйғуларини ҳақоратлаш бевосита унинг дунёқарашига, қадр-

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 28. 04 2000. “Норма”

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 июнгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. –496.

қим-матига, шахсиятига, иймон ва эътиқодига салибий таъсир кўрсатади ва инсоннинг қаттиқ маънавий азобланишига олиб келади. Бунда айбдор деб топилган шахс ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жабрланган шахсга етказган маънавий зарарни қонун бўйича қоплашга мажбурдир.

Судлар томонидан маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ ишларни кўриш жараёнида жабрланувчининг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ҳисобга олиш билан бир қаторда жабрланувчининг ижтимоий ахволини ҳам эътиборга олишлари лозим. Чунки фуқаролик қонунчилиги маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилиқ талаблари эътиборга олинishi лозим.

Жавобгарнинг суд белгилаган маънавий зарарни қоплаш имкониятига эга бўлсагина, руҳий зарарни ундиришга қафолат мавжуд бўлади. Акс ҳолда суд ҳал қилув қарорлари ижро этилмасдан қоғозда қолиб кетаверади. Лекин бу дегани жавобгар “Вазиятдан кутилиб қолади” деган маънони англатмайди. Бундай ҳолатларда суд бевосита ижтимоий адолат принципига асосланган ҳолда белгилайди. Халқимизда “сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам” деган мақол мавжуд, шунга ўхшаш суд ҳам жабрланувчи ҳамда жавобгарнинг манфаатлари ва имкониятларини эътиборга олиб, маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни ҳал этади.

Яна бир ҳолат, гоҳида жабрланувчининг моддий ахволи тўғрисида ҳам бир оз муаммолар туғилади. Масалан, бугунги кунда судларимиз томонидан қуйидаги ҳолатга кам эътибор берилмоқда. Қўйидаги суд амалиётидан келтириლაётган мисоллар орқали қандай ҳолатларга эътибор берилмаётганлигини билиб олшимиз мумкин: Фуқаро Ш. (Андижон дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари ўринбосари лавозимида ишловчи) ўз ходими Б.га нисбатан ўзига етказилган маънавий зарарни қоплаш юзасидан даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига мурожаат қилади. Суд жараёнида аниқланишича, жавобгар Б. корхона ходимлари ўрта-сида даъвогар Ш. шахсига боғлиқ ёлғон маълумотлар тарқатиб, унинг шаъни, қадр-қиммати, шунингдек ишчанлик обрўсига путур етказади. Суд иш ҳолат-ларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, даъвогар Ш. фойдасига жавобгар Б. ҳисобидан 275 минг миқдоридаги маънавий зарарни ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаради.⁵

Яна бир мисол, фуқаро Т. (ҳеч қаерда ишламайдиган шахс) собиқ қўшниси ҳисобланган М.га нисбатан етказган руҳий зарари учун компенсация тўлаш бўйича даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судига мурожаат қилади. Судья иш ҳолатлари бўйича қўйидагиларни аниқлайди: яъни жавобгар М. маҳалладошлари орасида даъвогар Т. ўз аёлига хиёнат қилганлиги билан боғлиқ ёлғон маълумотларни тарқатади. Бунинг натижасида даъвогарнинг оиласида жанжал бўлиб, охир-оқибат иш ажралишгача боради. Суд жараёнида жавобгар барча айбни ўз бўйнига олди. Ушбу вазиятда судья даъвогар фойдасига жавобгар М.

⁵ Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди архив материалларидан.

ҳисобидан 220 минг миқдордаги пул сўммасини ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқаради.⁶

Юқорида келтирилган икки масаладан шу нарса аниқ бўлдики, биринчисида, даъвогар Ш.нинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи юқорилигини ҳисобга олиниб пул сўммаси ундириб берилган бўлса, иккинчи мисолда даъвогар Т.нинг ҳеч қаерда ишламаслиги, моддий аҳволи оғирлиги, шунингдек жамиятдаги маъқийининг пастлиги инобатга олиниб, пул суммаси ундирилади. Ваҳоланки, ушбу ҳолатда, менинг фикримча, даъвогар Т.га нисбатан ундирилган пул сўммасини янада кўпроқ миқдорда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки кам тامينланган шахснинг руҳий изтироблари ўзига тўқ инсонларга нисбатан кучлироқ бўлади.

Суд амалиёти билан танишиб чиқиш жараёнида шундай суд қарорларига ҳам дуч келамизки, уларда ундирилган маънавий зарар миқдори миллион сўмдан ҳам юқори миқдори ташкил қилган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, 2004 йил фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судида даъвогар Ш. томонидан “Даракчи” газетаси таҳририятига нисбатан ўзига етказилган маънавий зарарни ундириш бўйича даъво аризасини қабул қилади. Ушбу даъво аризасининг қисқача мазмуни қуйидагидан иборат эди: вилоят туманининг бирида боғча тарбиячиси бўлиб ишловчи фуқаро Ш.нинг дастлаб сурати “Даракчи” саҳифаларининг бирида “Энг фаол тарбиячи” рукни остида босиб чиқарилади. Айнан фуқаро Ш.нинг ушбу расми кейинчалик “Даракчи” газетаси саҳифаларида қайта чоп этилади. Лекин бу сафар унинг расми “Енгилтак аёл” мақоласининг бошида босиб чиқарилади. Бунинг натижасида даъвогар Ш.нинг оиласида турли хил жанжаллар келиб чиқади, маҳалладошлари олдида бадном бўлиб, обрўйига путур етади. Шундан сўнг фуқаро Ш. “Даракчи”га нисбатан 10.000.000 миқдорида маънавий зарарни ундириб беришни сўраб, судга мурожаат қилади. Суд процесси давомида “Даракчи” таҳририяти барча айбни ўз бўйнига олади. Ҳақиқатдан ҳам ушбу ҳолатда жиддий камчиликка йўл қўйганликларини эътироф этиб ўтадилар. Судья иш ҳолатларини ўрганиб чиқиб, даъвогар Ш. фойдасига жавобгар “Даракчи” таҳририятидан 6.000.000 сўм миқдоридаги пул суммасини ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Бугунги кунга келиб юртимзда хусусий матбуотнинг ўрни анчагина ўсди. “Даракчи”, “Ҳордиқ”, “Ҳуқуқ оламида”, “Диёнат” ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ушбу газеталарда кундалик турмушимизда учраб турадиган турли хил ҳолатлар ҳақидаги мақолалар, кўнгил очар ўйинлар ва шунга ўхшаш қизиқарли маълумотлар чоп этиб борилади. Лекин, шунинг билан бирга, уларда гоҳида айрим шахсларнинг шаъни ва обрўйини бадном қилувчи, номақбул фикрлар ва маълумотлар ҳам тарқатиб келинмоқда. Хўш, матбуотда мана шундай савияси паст бўлган мақолаларнинг чоп этилишини олдини олиш, агар чоп этилган ҳолларда эса фуқаро ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қандай процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари лозим. Бу борада қуйидаги фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчиман. Масалан,

⁶ Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро суди архив материалларидан.

муайян газета ёхуд журналда бир фуқаронинг пок номи ва обрўсига тўғри келмайдиган номақбул фикрлар баён этилган танқидий мақола чоп этилди дейлик. Табиийки, танқид қилинган фуқаро сукут сақлаши керак эмас, балки у ҳаракат қилиши, ўз шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қила билиши лозим. Хўш, бу ҳимояни у қаерда, қай тарзда амалга оширади. Албатта суд орқали ҳуқуқни ҳимоя қилиш энг самарали ва таъсирчан усул ҳисобланади. Судга мурожаат қилаётган шахслар, яъни даъвогар биринчи галда судга мурожаат қилишдан аввал ўз талабларини асослашга қаратилган далилларни тўплаши, сўнгра эса судга мурожаат қилиш тартиби ва талабларини билиши талаб этилади. Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича миллий қонунчилигимиз даъвогарларга судга мурожаат қилиш борасида бир қатор имтиёзлар белгилаганлигини ҳам таъкидлаш керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 533-сонли қарори билан тасдиқланган 1-илованинг д-бандига мувофиқ, мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) даъво аризалардан энг кам ойлик иш ақининг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.⁷ Бу эса даъво аризасида талаб этилаётган маънавий зарар суммасидан қатъи назар давлат божи энг кам ойлик иш ақининг 50 фоизи миқдорида ундирилишини кўрсатади. Бу эса маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш борасида қонунларида яратилган кафолатлардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1994 й., N 11, 49-модда.